

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.K.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЗЛИЕВА НИГИНА ТОЖИҚУЛОВНА

**ЭЛЕКТРОЛИТ СИСТЕМАЛАР ХРОМАТОГРАФИЯСИНИНГ
ФИЗИК-КИМЎВИЙ АСОСЛАРИ
02.00.04 -Физик кимё**

**КИМЎ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Фазлиева Нигина Тожикуловна

Электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асослари 5

Фазлиева Нигина Тожикуловна

Физико-химические основы хроматографии электролитных систем 21

Fazliyeva Nigina Tojiqulovna

Physico-chemical basis of chromatography of electrolyte systems 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ PhD.28.02.2018.К.02.05
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЗЛИЕВА НИГИНА ТОЖИҚУЛОВНА

**ЭЛЕКТРОЛИТ СИСТЕМАЛАР ХРОМАТОГРАФИЯСИНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ АСОСЛАРИ
02.00.04 -Физик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2018

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2018.1.PhD/К93 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз(резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифада www.samdu.uz манзилига ҳамда «ZiyoNET» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухаммадиев Нурали Қурбоналиевич,
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Холиқов Абдували Жонизоқович
кимё фанлари доктори

Сидиков Абдужалол Сидикович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети хузуридаги PhD.28.02.2018.К.02.05 рақамли илмий кенгаш кенгаш “___”_____2018 йил соат “___” даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, физик-кимё биноси, 3-қават, 305 хона. Тел.: (+99866) 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40; E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 140104, Самарқанд ш., Университет хиёбони, 15-уй, Ахборот-ресурс маркази. Тел.: (+99866) 239-11-51), E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru.

Диссертация автореферати 2018 йил «__» _____ да тарқатилган.
(2018 йил «__» _____ даги ___ - рақамли реестр баённомаси)

А.М.Насимов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Х.Т.Тробов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш котиби, к.ф.н., доцент

М.Д.Давронов

Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий
семинар раиси, к.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Мавзунинг долзарблиги ва зарурати. Дунёда ажратиш ва анализ қилишнинг хроматографик усуллари фан ва техниканинг турли соҳаларида қўлланилиш чегараси ошиб бормоқда. Кейинги йиллардаги жаҳонда формацевтик маҳсулотларнинг сифати асосан юқори самарали суюқлик хроматографияси усулида назорат қилинади. Газ хроматографиясининг ўрни энгил учувчан бирикмалар анализидида беқиёсдир. Хроматографик усуллар оқимда бажарилганлиги учун бу усуллар осон автоматлаштиришга мойил ва шунинг учун ҳам хроматографик усуллар ишлаб чиқариш жараёнларининг назоратида ҳам бошқа усулларга нисбатан катта афзалликларга эга. Ион хроматографияси ушбу усуллар ичида нисбатан кейин ривожланаётган бўлишига қарамасдан электролит моддалар анализидида катта аҳамият касб этмоқда.

Бугунги кунда жаҳонда мутахассислар олдида қўйилган муҳим масалалардан бири ион хроматографиясининг янада кенгрок, қўлланилиши, унинг методологик асосларини, жумладан ажратиш жараёнларини нисбатан аниқ моделларини яратиш ва мақбуллаштиришнинг ишончли усулларини ишлаб чиқишдир. Бу борада олиб борилаётган хроматографик жараёнларни моделлаш, мақбуллаш, мураккаб таркибли аралашмаларни сифат ва миқдорий жиҳатдан анализ қилишга доир тадқиқотлар жадал суръатларда ривожланиб бормоқда.

Республикамизда турли электролит системаларнинг (турли сувлар, доривор ўсимликлар ва ҳ.з.лар) хроматографик таҳлил усулларини ишлаб чиқиш уларнинг қўлланилиш чегарасини оширади ва бу борада муҳим натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида¹ «юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»га қаратилган вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, “ионит-ионат-элюент” тизими ташкил этувчиларининг ўлчам, энергетик ва ишора катталикларида асосланган моделларини яратиш ва улар асосида мақбуллаштиришнинг самарали усулларини ишлаб чиқишга боғишланган илмий-амалий тадқиқотлар муҳим аҳамиятли бўлиб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» Фармони, 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2831-сон «Иқтисодиётнинг базавий тармоқларида лойиҳа ишлари самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2018 йил 17 январдаги ПҚ-3479 сон “Мамлакат иқтисодиёти тармоқларининг талаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

юқори бўлган маҳсулот ва хом ашё турлари билан барқарор таъминлаш чоратadbирлари тўғрисида”ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. “Кимё, кимё технологияларининг назарий асослари, нанотехнологиялар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ион алмашилиш жараёнлари термодинамикаси, кинетикаси, механизми, ажралиш жараёнларини моделлаш, мақбуллаш ва ион хроматографиясининг қўлланилишини мунтазам ўрганиб келинмоқда. Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бу соҳа бўйича тадқиқотлар жадал суратда олиб борилмоқда. Хусусан, хорижлик олимлар – A.Sen Gupta., J.Gmehling, J.H.Park, Bo.Jiang, Shiping Hu, R.Araujo, J.Li, P.Choi, M.E.Argun, G.Bayramoglu, I.Demkawska, R.A.Nadkarni, Y.Ueki, Oleksy-Frenzel, M. Ali, O.A.Шпигун, Ю.А.Золотов, А.В.Затираха, П.Н.Куликов, В.А.Никашина, А.Г.Прудковский, И.В.Комарова, Н.К.Галкина А.Б.Ярославцев, Е.В.Шляпунова, Г.М.Сергеев, ва бошқалар ион алмашилиш термодинамикаси ва протон транспорти, ион алмашилишнинг ўзига хос томонлари ва математик моделлаш, ион алмашилиш жараёнини динамик ҳисоблаш учун дастурий таъминотлар яратиш, математик моделлаш асосида мақбуллаштириш ва газ хроматографиясида UNIFAC параметрлари асосида ажралиш жараёни моделини олиш ва аралашма компонентларининг идентификациясини ишлаб чиқиш билан шуғулланган. Ўзбекистонда мазкур йўналиш ривожига Н.К.Мухамадиев, Б.Ж.Кобилов, Ш.М.Сайиткулов, А.М.Қурбонов, Х.Т.Троров ва бошқалар ўзларининг изланишлари билан хроматографик жараёнларни ўрганиш, ажралган моддалар идентификацияси, уларнинг ушланишини структур-гуруҳ ташкил этувчилари асосида башоратлаш каби муаммоларини ҳал этишга катта ҳисса қўшган.

Ушбу изланишларга қадар адабиётларда фақат термодинамикаси, кинетикаси, транспорти, ион алмашилишнинг ўзига хос томонлари ва баъзи математик моделлари, жараёнларини ҳисоблашнинг дастурий таъминоти, газ хроматографиясида UNIFAC параметрлари асосида ажралиш жараёнини моделлаш ва аралашма компонентларининг идентификацияси бўйича ишлар келтирилган. Электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асосларини “ионит-ионат-элюент” гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд катталиклари бўйича изохлаш, моделлаш ва ажралиш жараёнини мақбуллаш бўйича маълумотлар адабиётларда келтирилмаган. Шунинг учун ҳам электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асосларини “ионит-ионат-элюент” гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд катталиқга асосланган моделларини ишлаб чиқиш назарий ва амалий нуқтаи-назаридан мақсадга мувофиқдир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Самарқанд давлат унивеситети илмий-тадқиқот ишлари режасининг “Таббий ва синтетик материалларни синтез қилиш, текшириш ва қайта ишлашнинг янги усуллари” қисми ва ИТД-12-64 рақамли “Ўзбекистон худудида ўсадиган доривор ўсимликлар таркибидан йод миқдорини аниқлаш” (2012-2014) амалий, ҳамда ОТ-Ф7-83 рақамли “Хроматографик жараёнларни моделлаш, мақбуллаш ва “Ушланиш катталиклари - хоссалари” ўзаро боғлиқликларни ўрганиш ва уларни нанохроматографияда қўлланилиши” (2017-2020) фундаментал грантлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асосларини “ионит-ионат-элюент” тизими гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд катталиклари асосланган моделлар ёрдамида баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ион хроматографиясида ажралиш жараёнини “ионит-ионат-элюент” системаси гуруҳ ташкил этувчиларининг термодинамик параметрларига асосланган моделини таклиф этиш;

“ионит-ионат-элюент” системасидаги мувозанатни система гуруҳ ташкил этувчиларининг термодинамик параметрлари асосида баҳолаш;

ион хроматографиясида ажралишнинг “ионит-ионат-элюент” системаси гуруҳ ташкил этувчиларининг термодинамик параметрларига асосланган мезонларини ишлаб чиқиш;

модел аралашмалар мисолида ионлар (катионлар ва анионлар) ажралишининг мақбул шароитларини танлаш;

ион хроматографияси усулида хроматограмма чўққисини олишнинг математик моделини яратиш ва унинг дастурий таъминотини ишлаб чиқиш;

ион хроматографияси усулида турли намуналарнинг (оқува, табиий, чиқинди суви, доривор ўсимликлар) таркибини ўрганиш, доривор ўсимликлар таркибидан йод миқдорини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида “ионит-ионат-элюент” тизимининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд параметрларга асосланган модели, турли электролит моддалар эритмалари ва уларнинг аралашмалари, ионитлар, элюентлар, турли (ичимлик, оқова ва чиқинди) сувлар, доривор ўсимликларнинг генератив ва вегетатив органларининг намуналари олинган.

Тадқиқотнинг предмети - “ионит-ионат-элюент” системаси ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд катталикларига асосланган ион ажралиш жараёни моделини тузиш, унинг адекватлигини текшириш, электролит системалар таркибини ўрганишда қўлланилиш имкониятларини баҳолаш олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида замонавий назарий ва амалий усуллардан, жумладан ион хроматографияси, сканерловчи электрон микроскопияси микрорентген таҳлили билан, квант-кимёвий, статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ион хроматографиясида “ионит-ионат-элюент” ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд параметрлари асосида ажралиш жараёнлари асосланган;

“ионит-ионат-элюент” тизимида ажралиш жараёнини мақбуллаштиришнинг алгоритми ва унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган;

турли электролит системалар учун ионларни ажратиш алгоритми тузилган;

турли таркибдаги катионлар ва анионлар аралашмасини ажратишнинг мақбул шароитлари танланган ва турли сувлар, доривор ўсимликлар таркибидан ионлар миқдорлари аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

ионларни ажратиш алгоритми исталган электролит системаларнинг ажралиш жараёнларини мақбуллаштиришда қўлланилган;

ишлаб чиқилган услубиятларни қўллаб, турли сувлар намуналарининг электролит таркиби аниқланган;

турли доривор ўсимликлар таркибидан йод миқдори аниқланган;

ўқув жараёнида қўлланилиши учун “Ionchrom-O1” ўргатувчи дастури яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, аниқлиги ва сезгирлиги юқори бўлган хроматографик, сканерловчи электрон микроскопия ва микрорентген таҳлили, квант-кимёвий, статистик усулларда олинган натижалар асосида ишончли тарзда таҳлил қилинган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, ион хроматографиясида “ионит-ионат-элюент” ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд параметрларига асосланган адекват модел таклиф этилган, ажралиш жараёнини мақбуллаштиришнинг алгоритми ва унинг дастурий таъминоти ишлаб чиқилган ҳамда кенг қамровли (глобал) мақбуллаштириш олиб борилган. Турли таркибдаги катионлар ва анионлар аралашмасини ажратишнинг мақбул шароитлари танланган ва турли сувлар, доривор ўсимликлар таркибидан ионлар миқдорлари аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, таклиф этилган ионларни ажратиш алгоритмидан фойдаланиб, исталган электролит системалар ажралиш жараёнларини мақбуллаштирилиши мумкин. Ишлаб чиқилган услубиятлар ёрдамида турли сувлар намуналарининг катионлар ва анионлар таркиби ўрганилди ва натижалар амалий мақсадларда фойдаланилган. Турли доривор ўсимликлар таркибидан йод миқдори аниқланди, олинган натижалар маълумотнома сифатида ишлатишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асослари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

“Электролит системалар таркибидан ионларни ион хроматографияси усулида аниқлаш” услубияти “Самарқандкимё” АЖДа амалиётга жорий этилган (“Самарқандкимё” АЖнинг 2018 йил 22 октябрдаги 2-627/6-сон маълумотномаси). Натижада яратилган услубият бир вақтнинг ўзида битта намунадан бир нечта катион ва анионларни аниқлаш имконини берган;

“Сув таркибидан катионларни ион хроматографияси усулида аниқлаш” услубияти “Diamond Glass” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (“Diamond Glass” Ўзбекистон – Хитой қўшма корхонасининг 2018 йил 18 августдаги 8-сон маълумотномаси). Натижада яратилган услубият бир вақтнинг ўзида битта намунадан бир нечта ионларни аниқлаш имконини берган;

“Электролит системалар таркибидан ионларни ион хроматографияси усулида аниқлаш” услубияти “SAM ROS XOLOD” МЧЖ Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасида амалиётга жорий этилган (“SAM ROS XOLOD” МЧЖ Ўзбекистон – Россия қўшма корхонасининг 2018 йил 22 сентябрдаги 77-сон маълумотномаси). Натижада яратилган услубият бир вақтнинг ўзида битта намунадан бир нечта ионларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 16 та, жумладан 5 та халқаро ва 11 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 21 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг PhD диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 1 та монография, 3 та мақола, жумладан, 2 та мақола хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 1276 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари ҳамда объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ион алмашилиш термодинамикаси ва ион хроматографиясининг қўлланилиши**» деб номланган I бобида ион алмашилиш термодинамикаси, электролит системаларда мувозанатни ифодалаш усуллари, ион хроматографиясининг турли электрлит системаларни ажратиш ва анализ қилишда қўлланилишига доир илмий нашрларда чоп этилган ишларга шарҳлар берилган ва улар умумлаштирилиб, “Ионит-ионат-элюент” системасида ажралиш жараёнини

баҳолаш учун система ташкил этувчиларининг ўлчам, энергетик ва заряд катталикларини қўллашга асосланган унинг моделини ўрганиш долзарб муаммолардан бири эканлиги асосланган.

Диссертациянинг “Ионит-ионат-элюент” системасининг ўлчам, энергетик ва заряд катталикларига асосланган модели ва унинг адекватлиги” деб номланган II бобида “Ионит-ионат-элюент” системаси мувозанатини ифодалашда гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд параметрларидан фойдаланиш масаласи қаралган.

Маълумки, аниқланадиган ва элюирланадиган ионлар ўртасидаги ион алмашилиш мувозанати ажралиш шароитларини мақбуллаштиришнинг асосини ташкил этади. Зарядлари тенг бўлган X иони концентрацияси C бўлганда E ион ёрдамида элюирланганда системада қуйидаги мувозанат ўрнатилади:



У ион алмашилиш константаси ёки селективлик коэффициенти (K_X^E) билан характерланади, яъни:

$$K_X^E = \frac{[X][E]}{[X][E]'} \quad (2)$$

бунда $[X]$ ва $[E]$ ионалмашгич фазадаги аниқланадиган ва элюирланадиган ионларнинг мувозанат концентрациялари; $[X]$ ва $[E]$ ушбу ионларнинг ҳаракатдаги фазадаги мувозанат концентрациялари.

$[X]/[X]$ нисбати аниқланадиган X ионнинг тақсимланиш коэффициентиدير (D_X) ва ушбу ионнинг ионитда (сорбентда) ушланиш қобилиятини характерлайди. У ҳолда

$$K_X^E = D_X \frac{[E]}{[E]'} \quad (3)$$

Агар сорбентнинг солиштирма алмашилиш сиғими Q бўлса, у ҳолда колонканинг кам тўлдиришларда $[E] = Q - [X] \approx Q$ ва $[E] \ll C_E$ бўлади. Ушбу ҳолда:

$$K_X^E = D_X \frac{C_E}{Q}. \quad (4)$$

Хроматографиянинг асосий тенгламасига кўра тўғриланган ушланиш ҳажми V_R' қуйидагига тенг:

$$V_R' = D_X V_S, \quad (5)$$

бунда V_S – ионит ҳажми.

Бундан (4) тенглама ҳисобга олинса:

$$V_R' = K_X^E \frac{Q \cdot V_S}{C_E}. \quad (6)$$

Ион хроматографиясида ионитда ионнинг ушланиши тўғриланган ушланиш вақти t_R' катталиги билан характерланади, яъни:

$$t_R' = K_X^E \frac{Q \cdot V_S}{C_E F}, \quad (7)$$

бунда F - элюентнинг ҳажмий тезлиги.

Ионитнинг ҳажми одатда унинг ғоваклиги (ε) ва колонканинг умумий ҳажми (V) билан аниқланади, яъни:

$$V_s = (1 - \varepsilon)V \quad (8)$$

У ҳолда (7) тенглама куйидаги кўринишни олади:

$$t_R' = K_X^E \frac{Q \cdot (1 - \varepsilon) V}{C_{EF}} \quad (9)$$

(7) ва (9) тенгламалар ион алмашилиш жараёнларини мақбул шароитларини танлашда ишлатилди.

Деярли эримайдиган тузларнинг сувдаги эрувчанликларини кучсиз ион концентрацияларида талаб этилган фаоллик коэффицентлари бирликда яқин бўлганда, уларнинг эрувчанлигини маҳсулотлари константаларидан бевосита фойдаланиб ҳисоблаш мумкин. Юқори концентрацияларда ионларнинг асосий фаоллик коэффицентлари ҳисобга олиниши керак.

Маълумки, LIQUAC модели бўйича фаоллик коэффиценти куйидагича ифодаланади:

$$\ln \gamma_i = \ln \gamma_i^{LR} + \ln \gamma_i^{MR} + \ln \gamma_i^{SR} \quad (10)$$

бунда i эритмадаги ионлар сони.

Берилган эритма учун фаоллик коэффицентининг ҳар бир ташкил этувчи қисми куйидаги тенгламалар мол қисмига асосан ҳисобланади:

$$\ln \gamma_s^{LR} = (2AM_s d / (b^3 d_s)) \cdot [1 + b\sqrt{I} - (1 + b\sqrt{I})^{-1} - 2\ln(1 + b\sqrt{I})] \quad (11)$$

$$\ln \gamma_s^{MR} = \sum_{ion} B_{s,ion}(I) m_{ion} - \left(\frac{M_s}{M_m}\right) \sum_{sol} \sum_{ion} [B_{sol,ion}(I) + IB'_{sol,ion}(I)] x'_{sol} m_{ion} - \left(\frac{M_s}{M_c}\right) \sum_c \sum_a [B_{ca}(I) + IB'_{ca}(I)] m_c m_a \quad (12)$$

$$\ln \gamma_s^{LR} = \ln \gamma_s^C + \ln \gamma_s^R \quad (13)$$

$$\ln \gamma_s^C = 1 - V_s + \ln V_s - 5q_s \left[1 - \frac{V_s}{F_s} + \ln\left(\frac{V_s}{F_s}\right)\right] \quad (14)$$

$$\ln \gamma_s^R = q_s \left[1 - \ln\left(\frac{\sum_i q_i x_i \psi_{is}}{\sum_i q_i x_i}\right) - \sum_i \left(\frac{q_i x_i \psi_{si}}{\sum_k q_k x_k \psi_{ki}}\right)\right] \quad (15)$$

Эритмадаги ионлар учун фаоллик коэффицентининг ҳар бир ташкил этувчи қисми куйидаги тенгламалар ёрдамида ҳисобланади:

$$\ln \gamma_j^{LR} = -\frac{z_j^2 A \sqrt{I}}{1 + b \sqrt{I}} \quad (16)$$

$$\ln \gamma_j^{MR} = (M_m)^{-1} \sum_{sol} B_{j,sol}(I) x'_{sol} + \left(\frac{z_j^2}{2M_m}\right) \sum_{sol} \sum_{ion} B'_{sol,ion}(I) x'_{sol} m_{ion} + \sum_{ion} B_{j,ion}(I) m_{ion} + \left(\frac{z_j^2}{2}\right) \sum_c \sum_a B'_{ca}(I) m_c m_a - B_{j,s}(I) / M_s \quad (17)$$

$$\ln \gamma_j^{SR} = \ln \gamma_j^C - \ln \gamma_j^C(B) + \ln \gamma_j^R - \ln \gamma_j^R(B) \quad (18)$$

$$\ln \gamma_j^C = 1 - V_j + \ln V_j - 5q_j \left[1 - \frac{V_j}{F_j} + \ln \left(\frac{V_j}{F_j} \right) \right] \quad (19)$$

$$\ln \gamma_j^R = q_j \left[1 - \ln \left(\frac{\sum_i q_i x_i \psi_{ij}}{\sum_i q_i x_i} \right) - \sum_i \left(\frac{q_i x_i \psi_{ji}}{\sum_k q_k x_k \psi_{ki}} \right) \right] \quad (20)$$

$$\ln[\gamma_j^C(B)] = 1 - \frac{r_j}{r_s} + \ln \left(\frac{r_j}{r_s} \right) - 5q_j \left[1 - \frac{r_j q_s}{r_s q_j} + \ln \left(\frac{r_j q_s}{r_s q_j} \right) \right] \quad (21)$$

$$\ln[\gamma_j^R(B)] = q_j (1 - \psi_{js} - \ln \psi_{sj}) \quad (22)$$

10-22 тенгламалардаги ўзгарувчилар Ли ва бошқалар томонидан тўлиғича аниқланган.

Тенгламалардаги a_{ij} , a_{ji} , b_{ij} ва c_{ij} параметрлари LIQUAC моделида асосий рол ўйнаганлиги учун B_{ij} ва ψ_{ij} қуйидагига тенг бўлади.

$$B_{ij} = b_{ij} + c_{ij} \exp(-I^{1/2} + 0,13I) \quad (23)$$

$$\psi_{ij} = \exp(-a_{ij} / T) \quad (24)$$

j -ионининг эритмасидаги моляр фаоллик коэффициентлари.

Ли ва бошқаларнинг кўрсатишича аралаш эритувчи ва органик эритувчиларнинг электролитик системалари учун суюқ фаза (ионат-элюент) ва қаттиқ сирт (ионит) ўртасидаги мувозанат қуйидаги тенглама орқали ифодаланади:

$$\frac{\Delta G^0(T_x)}{RT_x} + \frac{\Delta H^0(T_x)}{R} \left(\frac{1}{T} - \frac{1}{T_x} \right) - \frac{1}{R} \int_{T_x}^T \frac{\Delta c_p^0(T) dT}{T^2} \quad (25)$$

$$\left[v_+ \ln(m_M \gamma_{M(w)}') + v_- \ln(m_X \gamma_{X(w)}') \right]$$

бунда тавсия этиладиган ҳарорат $T_p = 298.15$ К ва стандарт ҳолатдаги ΔG -Гиббс энергияси, ΔH -энthalпия ва Δc_p^0 иссиқлик сифими температурага боғлиқ ҳолда ҳисобланади.

Сувли ва аралаш эритувчи эритмалардаги туз эрувчанлигини туз ва ионлар учун Гиббс энергияси (ΔfG^0), энthalпия (ΔfH^0) ва иссиқлик сифими ҳосил бўлганда ва LIQUAC моделидан фойдаланиб олдиндан айтиш мумкин.

Ҳисоблашларни амалга ошириш учун зарур бўлган параметрларнинг баъзи қийматлари 1-2-жадвалларда берилган.

1-жадвал

LIFAC моделининг B_{ca} , a_{ca} , W_{ca} , U_{ca} , V_{ca} , B^I_{ca} , a^I_{ca} параметрлари қийматлари

	B_{ca}	a_{ca}	W_{ca}	U_{ca}	V_{ca}	B^I_{ca}	a^I_{ca}
$H^+ - SO_4^{2-}$	-46,72	9,50	-9,89	-5,46	-5,98	0,00	0,00
$H^+ - HSO_4^-$	38,25	17,00	-11,12	-1,04	-3,58	0,00	0,00
$H^+ - NO_3^-$	13,53	17,00	-3,07	1,97	-1,41	0,00	0,00
$H^+ - Cl^-$	20,01	13,00	-13,03	-8,81	0,00	0,00	0,00
$NH_4^+ - SO_4^{2-}$	-2,86	13,00	-0,74	0,94	-2,59	0,00	0,00
$NH_4^+ - NO_3^-$	24,75	7,00	0,90	0,38	-1,43	-30,00	13,00
$NH_4^+ - Cl^-$	4,66	15,00	-0,57	2,07	-1,25	0,00	0,00
$Na^+ - SO_4^{2-}$	34,47	13,00	-3,73	-1,96	-4,86	0,00	0,00
$Na^+ - NO_3^-$	27,00	5,00	0,05	0,27	-2,30	-21,61	13,00
$Na^+ - Cl^-$	19,93	5,00	-5,65	-3,61	-2,46	0,00	0,00

Эслатма: Баъзи параметрлар қиймати улар бўйича тажриба натижалари бўлмаганлиги учун нулга тенг деб олинган.

2-жадвал

Катион-анион ўзаро таъсир параметрлари

c	A	$b_{c,a}^{(1)}$ ($kgmol^{-1}$)	$b_{c,a}^{(2)}$ ($kgmol^{-2}$)	$b_{c,a}^{(3)}$ ($kg^{1/2}mol^{-1/2}$)	$c_{c,a}^{(1)}$ (kg^2mol^{-2})	$c_{c,a}^{(2)}$ ($kg^{1/2}mol^{-1/2}$)
H^+	Cl^-	0,182	0,243	0,800	0,033	0,505
H^+	Br^-	0,120	0,445	0,800	0,081	0,597
H^+	NO_3^-	0,211	0,123	0,800	-0,102	1,676
H^+	SO_4^{2-}	0,097	-0,004	1,000	0,141	0,623
H^+	HSO_4^-	0,314	-4,895	1,000	-0,358	0,808
Li^+	Cl^-	0,107	0,206	0,800	0,053	0,536
Li^+	Br^-	0,106	0,317	0,800	0,058	0,465
Li^+	NO_3^-	0,076	0,301	0,800	0,047	0,665
Li^+	SO_4^{2-}	0,114	0,035	0,800	-0,263	1,317
Na^+	Cl^-	0,054	0,080	0,800	0,025	0,563
Na^+	Br^-	0,181	0,273	0,800	-0,507	2,209
Na^+	NO_3^-	0,001	-0,103	0,410	0,003	0,513
Na^+	SO_4^{2-}	0,002	-0,424	0,800	-0,224	1,054
Na^+	HSO_4^-	0,022	0,002	0,800	0,020	0,620
K^+	Cl^-	0,017	-0,003	0,800	0,021	0,671
K^+	Br^-	0,034	0,061	0,800	0,015	0,565
K^+	NO_3^-	0,000	-0,413	0,357	0,000	0,242
K^+	SO_4^{2-}	0,004	-0,870	0,800	-0,092	0,919
NH_4^+	Cl^-	0,002	0,049	0,117	0,011	0,653

NH ₄ ⁺	Br ⁻	0,002	0,082	0,144	0,014	0,729
NH ₄ ⁺	NO ₃ ⁻	0,000	-0,172	0,260	0,006	0,530
NH ₄ ⁺	SO ₄ ²⁻	0,000	-0,906	0,545	0,000	0,354
NH ₄ ⁺	HSO ₄ ⁻	0,009	0,214	0,229	0,017	0,820
Mg ²⁺	Cl ⁻	0,196	0,332	0,800	0,072	0,398
Mg ²⁺	NO ₃ ⁻	0,431	0,767	0,800	-0,512	1,441
Mg ²⁺	SO ₄ ²⁻	0,122	-3,426	0,800	-0,739	0,864
Ca ²⁺	Cl ⁻	0,105	0,867	0,800	0,072	0,366
Ca ²⁺	NO ₃ ⁻	0,163	0,204	0,800	-0,075	1,211

Келтирилган жадвалларда қайд этилган параметрларнинг қийматлари “Ионит-ионат-элюент” системасидаги мувозат ва ион хроматографиясида ажраладиган ионларнинг фаоллик коэффициентлари ва мос ҳолда ушланиш катталикларини баҳолашда қўлланилди.


Ҳисоблашларни амалга ошириш учун C++ алгоритмик тилда “мулоқат” режимида ишлайдиган дастур ёзилди. Қуйидаги расмда дастур ишлаганда компьютер экранида пайдо бўладиган ойнаси акс этирилган.

Диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотларда мазкур дастур ёрдамида амалга оширилди.


Ион алмашини хроматографиясида модел аралашмаларни ажратиши. LIQUAC модели бўйича ионит-ионат системаси гуруҳ ташкил этиувчилари параметрларини кўплаб аниқланган ажралиш жараёни шароитларида модел аралашмаларини ажратиш ишлари бажарилди. Бунда модел аралашмалари сифатида: 1) 1-фторид; 2-хлорид; 3-гидрокарбонат; 4-бромид; 5-нитрат; 6-карбонат; 7-сулфат ионлари бўлган эритма; 2) 1-натрий; 2-аммоний; 3-калий; 4-магний; 5-кальций ионларидан иборат бўлган эритма олинди. Уларнинг ажралиши натижасида ҳосил бўлган ва берилган ионларнинг ҳисобланган хроматограммалари 1- ва 2-расмларда келтирилган.

Олинган натижалар асосида шуни қайд этиш мумкинки, таклиф этилган модел бўйича ионларнинг хроматографик колонкада ажралишини

ҳисоблашнинг нисбий хатоси анионлар учун 2-5 % ни, катионлар учун эса 2-4 % ни ташкил этади. Демак, “Ионит-ионат-элюент” системасида ажралиш жараёнини ифодалаш учун қўлланилган ўлчам, энергетик ва зард катталикларига асосланган модел (LIQUAC) адекватдир ва ундан ион хроматографиясида анионлар ва катионлар аралашмаларини ажралишини баҳолашда фойдаланиш мумкин.



1-расм. Анионлар сунъий аралашмасининг Амберлет ионити билан тўлдирилган хроматографик колонкада олинган хроматограм-маси (1-фторид; 2-хлорид; 3-гидрокарбонат; 4-бромид; 5-нитрат; 6-карбонат; 7-сулфат (анионларнинг натрийли тузлари олинган))



2-расм. IА-IIА гуруҳ катионлари сунъий аралашмасининг хромато-граммаси (1-натрий; 2-аммоний; 3-калий; 4-магний; 5-калций)

Ион алмашилиш хроматографиясида ажралиш жараёни мақбуллаш алгоритми. Ион хроматографиясида LIQUAC параметрлари ташкил этувчиларини баҳолашнинг блок схемаси ва ажралиш жараёнини мақбуллаштиришнинг алгоритми таклиф этилган. Мақбуллаштиришнинг энг муҳим параметрлари бўлиб, гуруҳ ташкил этувчиларининг энергетик параметрлари ва температура хизмат қилади. Берилган система учун эса асосан температуранинг ўзгартирилиши билан ажралиш жараёнининг ўзгартирилишига эришилади ёки P_c температурасининг функцияси сифатида қаралади.

Ион хроматографияси холида эса у қайд этилган параметрлардан гуруҳ ташкил этувчиларининг энергетик параметрлари ишлайди. Температура эса ион алмашилиш хроматографияси ўзгармас температурада (асосан хона температурасида) олиб борилганлиги учун ишламайди. Унинг ўрнига эритманинг ион кучи кўрсаткичи каби параметрлар ишлайди. Шунинг учун ҳам LIQUAC параметрлари асосида ион алмашилиш хроматографиясида борадиган ажралиш жараёнини мақбуллаштириш эритманинг ион кучи ва эритма рН қийматини ўзгартириш орқали амалга ошадилар. Бундан келиб чиқадиган хулоса шундан иборатки, ажралиш жараёни алгоритмида температура ўрнига эритманинг ион кучи ва унинг рН қийматини киритиш мақсадга мувофиқ.

Диссертациянинг III боби “**Турли электролит системалар таркибини ўрганиш**” га бағишланган бўлиб, унда турли сувлар таркибидан IA ва IIА гуруҳ ионларини ажратиш ва доривор ўсимликлар таркибидан йодни ажратиш ва аниқлаш масалалари, ҳамда “Ionchrom-01” дастури қаралган.

Ион хроматографияси усулида электролит системалардан ионлар мақбул шароитларда ажратилди. Ионларни миқдорий анализидида мутлақ даражалаш усулидан фойдаланилди.


“Сув таркибидан ионларни ион хроматографияси усулида аниқлаш” методикаси бир вақтнинг ўзида битта намунадан бир нечта ионларни аниқлаш билан бир қаторда ўзининг сезгирлиги, аниқлиги ва натижаларнинг такрорланиши билан бошқа маълум методикалардан қуйидаги устунликка эга: аниқлашнинг юқори сезгирлиги (дастлабки концентрасииз 1 ppb гача); юқори селективлик ва тезкорлик (10 та ионни 8-12 минут ичида аниқлаш мумкин, градиентли элбирлашда эса - 20 та ионни 18-20 минутда); анализ қилинадиган намунанинг кичик ҳажми (1,5 мл дан зиёд намуна талаб этилмайди); аниқланадиган концентрациянинг кенг оралиғи (суюлтиришсиз 1 ppb дан 1000 ppm гача); натижаларнинг такрорланишидаги четланиш 1,0-1,2 % дан ошмайди.

Сув таркибининг сканирловчи электрон микроскопияси ва рентген микроанализи. Замонавий тадқиқот усулларида бири сканирловчи электрон микроскопия ва рентген микроанализи ёрдамида турли сувларнинг анионлар ва катионлар таркибини ион хроматографияси усулида олинган натижалар билан таққослаш учун - турли сув намуналарининг элемент таркибини сканирловчи электрон микроскопия ва рентген микроанализ усулида ўрганилди. Текширишлар учун сув намуналари Самарқанд шаҳри, Ургут туманининг ичимлик сувидан, Қунғирот сода заводининг ичимлик ва оқава сувларидан олинди. Таҳлиллар юқори технологиялар марказида сканирловчи электрон микроскопияси ва рентген микроанализи амалга оширилди. Шу билан бир қаторда 3-расмларда ион хроматографияси ва сканерловчи электрон микроскопия ва микрорентген анализи усулларида олинган натижалар келтирилган. Ҳар иккала усулда олинган натижалар бири-бирига яқин бўлиб, четлашиш 2,0-2,5 % ни ташкил этади ҳамда ион хроматографиясида олинган натижаларнинг тўғри эканлигини исботлайди.

Расмдаги маълумотлардан кўриниб турибдики текширилган сув намуналаридан ионларни ҳар иккала усулда аниқлаш хатоси 3 % дан ошмайди. Олинган миқдорий натижалар сувнинг миқдорий таркиби ва у асосида ер остидаги қазилма бойликлар ҳамда микрогеологик ва гидрокимёвий жараёнлар ҳақида маълум хулосаларга ҳам келиш мумкин.

Ион хроматографияси усулида доривор ўсимликлар таркибидидаги йод ионлари миқдорини аниқлаш. Барча ишчи ва стандарт эритмалар “КТ” (х.ч. – кимёвий тоза) квалификацияли намуналардан фойдаланиб, бидистилланган сувда тайёрланди. Концентрацияси 0,5 г/л бўлган йоднинг стандарт эритмаси калий йодидни аналитик тарозида аниқ тортиб олинган намунаси бўйича тайёрланди. Концентрациянинг оралиқ қийматларидаги эритмалар асосий

эритмани суюлтириш орқали тайёрланди. Аниқлашлар «Цвет-3000» (АО ЦВЕТ, РФ) хроматографида амалга оширилди.



3-расм. СЭМ ва ион хроматографияси усулларида турли сувлар таркибидан аниқланган баъзи ионларнинг миқдори

Элюентнинг ион кучи элюентга тузлар эритмасини кўшиш, муҳити эса буфер аралашма таркибини ўзгартириш орқали ўзгартирилди. Хроматографик калонкадан ажралиб чиққан ионлар кондуктометрик детектор орқали қайд этилди. Мақбул шароитда доривор ўсимлик – таркибидан йодни миқдорини аниқлаш бўйича ишлар бажарилди. Ион хроматографияси усулида олинган натижаларнинг ишончилигини текшириш учун йод ионларининг миқдори ГОСТР51592-2000 методикаси асосида ҳам аниқланди. Анализнинг охириги натижаси сифатида икки параллел аниқлашлар орасидаги фарқ 0,01 % дан ошмагандаги натижалар қабул қилинади. Ҳар иккала усулда олинган натижалар 3-жадвалда келтирилган.

Жадвалдаги маълумотлардан шу нарсани қайд этиш мумкинки, ион хроматографияси усулида аниқланган йоднинг миқдори ГОСТ бўйича аниқланган қийматлардан ишончли фарқ қилмайди.

3-жадвал

Баъзи доривор ўсимликлар вегетатив ва генератив органлари таркибидан йодид ионлари миқдорини ион хроматографияси ва ГОСТ методикаси бўйича аниқлаш натижалари

Ўсимлик	Вегетатив ва генератив орган	Миқдори, мкг %		P<
		ИХ	ГОСТ	
Андиз	Илдизи	678,5 ± 42,3	656,2 ± 34,3	0,1
	Пояси	23,7 ± 3,2	24,2 ± 2,8	0,1
	Барги	0,82 ± 0,05	0,81 ± 0,06	0,1
Қокиўт	Илдизи	2356 ± 198	2388 ± 176	0,1

	Пояси ва барги	9,7±1,1	9,6±1,0	0,1
Арслонкурук	Илдизи	778,5±51,6	769,2±49,8	0,1
	Пояси	67,6±4,8	65,6±3,9	0,1
	Барги	4,7±0,3	4,6±0,3	0,1
	Меваси	95,6±6,1	94,5±5,4	0,1
Кўйтикан	Илдизи	678,5±42,7	659,1±39,2	0,1
	Пояси	677,8±39,4	662,2±37,4	0,1
	Барги	678,8±41,4	667,2±36,4	0,1
	Меваси	540,4±28,4	536,5±26,5	0,1
Ширчой	Илдизи	224,1±24,5	218,6±22,1	0,1
	Пояси	118,3±11,4	122,2±10,6	0,1
	Барги	74,4±8,4	72,6±6,8	0,1
Омонқора	Ер устки қисми	285,9±25,3	275,6±23,2	0,1
	Ер остки қисми	415,6±50,5	418,8±40,1	0,1

Шу билан бир қаторда *Berberis Vulgaris L.* нинг вегетатив (илдизи, пояси, барги) ва генератив органлари (меваси) бўйича йоднинг динамикаси ўрганилди ва йоднинг вегетатив органларда экспоненциал қонуният бўйича тақсимланиши аниқланди.

Шундай қилиб текширилган ўсимликларда йоднинг тўплаши бўйича уларни қуйидаги қаторга жойлаштириш мумкин: қоқиўт, андиз, қўйтикан, омонқора, ширчой ва бошқалари. Олинган натижалар асосида улардан йод манбаи сифатида ишлатилиш масалаларини ҳал этиш тегишли мутахассислар ҳукмига ҳавола.

“Ionхrom-01” ўргатувчи дастури. “Ionхrom-01” дастури ион хроматографидан ўз ишларида фойдаланувчилар учун мўлжалланган бўлиб, ундан ион хроматографияси билан шуғулланувчлар ҳамда барча кимёгарлар фойдаланиши мумкин. Дастур Delphi 7 да ёзилган бўлиб, калонка трансформатори ва хроматограмма генератори қисимидан иборат.


Калонка трансформатори. Дастур ҳаракатдаги фазалар оқим тезлиги (Ф), хроматографик калонка самарадорлигини (Н) ва калонка-1 дан калонка-2 га ўтиганда кириш босими (П) катталигини ҳисоблаш учун мўлжалланган бўлиб, унинг ойнаси 4–расмда келтирилган.

Хроматограмма генератори. Дастур анализ қилинадиган моддаларнинг хроматографик параметрларини ҳисоблаш ва хроматограммаларни график ифодалаш учун мўлжалланган. Хроматограмма генератори уч қисимдан иборат: анализ шароити; чўққилар жадвали; хроматограмма.

Хроматограмма ойнасида анализ натижаларининг график тасвири - хроматограмма тасвирланади (5-расм).

Masshtablanadigan parametrlar	Dastlabki kolonka	Ionitli kolonka
Diametr(1-10), mm	$D_1 = 4,6$	$D_2 = 2$
Uzunlik(1-1000), mm	$L_1 = 250$	$L_2 = 75$
Adsorbent(1-20), mkm	$d_{p1} = 5$	$d_{p2} = 5$
Oqim(1-10000), mkl/min	$F_1 = 1000$	$F_2 =$
Samaradorlik	$N_1 = 15000$	$N_2 =$
NTSB(1-1000), mkm	$H =$	$H =$
Keltirilgan NTSB(1-100)	$H =$	$H =$
Bosim(1-1000), atm	$P_1 = 100$	$P_2 =$

4-расм. “Калонка трансформатори” дастурининг ойнаси



5-расм. “Чўққилар генератори” дастурининг “Хроматограмма” ойнаси

Ушбу “Ионхром-01” ўргатувчи дастури ўқув жараёнига жорий этилган бўлиб, 5140500-Кимё бакалаври таълим йўналиши талабалари “Хроматография асослари” танлов фанини ўрганишда ва 5A140500-Кимё (Физик кимё) мутахассислиги бўйича таълим оладиган магистрларга “Хроматографиянинг физик-кимёвий асослари” мутахассислик фанини ўргатишда фойдаланилмоқда.

Электролит системалар хроматографиясининг физик-кимёвий асослари мавзусидаги тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар қилинди:

ХУЛОСАЛАР

1. Электролит системаларда ажралиш жараёнининг “ионит-ионат-элюент” системаси гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва заряд параметрларига асосланган модели таклиф этилган бўлиб, у ион алмашилиш жараёнини адекват ифодалайди.

2. Таклиф этилган моделларнинг адекватлиги тажрибада олинган натижалар билан ионларнинг ушланиш катталиклари мисолида баҳоланди. Ҳисобланган ва тажрибада олинган қийматларнинг нисбий фарқи катионларни ажратишда 2-5 %, анионларни ажратишда эса 2-4 % ни ташкил этди.

3. “Ионит-ионат-элюент” системаси гуруҳ ташкил этувчиларининг ўлчам, ўзаро таъсир энергияси ва зарядга асосланган модел бўйича ион хроматографиясида электролит системалар ажралишининг мезонлари ишлаб чиқилди ва мақбуллаштиришнинг алгоритми таклиф этилди.

4. Электролит системалар хроматографиясида хроматографик чўққини олишнинг математик моделининг “Ўргатувчи” вариантда ишлаб чиқилди, унинг дастури Delphi 7 алгоритмик тилда ёзилди. Дастурнинг адекват натижалар бериши тажрибавий натижалар билан солиштирилиш орқали изоҳланди.

5. Турли электролит системалар намуналарининг (оқава, табиий, чиқинди суви) таркиби ион хроматографияси усулида ўрганилди. Олинган

натижалар сканерловчи электрон микроскопия ва микрорентген анализ усулида олинган натижалар билан солиштирилди ва нисбий хато 2,0 - 2,5 % ни ташкил этиши қайд этилди.

6.Доривор ўсимликлар таркибидан йодни ион хроматографияси усулида аниқлашнинг мақбул шароити танланди, таркибида йодни тўплашга мойил бўлган ўсимликлар аниқланди ва уларда йодни тўпланиши экспоненциал қонуният бўйича бориши ($r^2 = 0,9999$) қайд этилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.28.02.2018.К.02.05 ПО ПРИСВОЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ФАЗЛИЕВА НИГИНА ТОЖИКУЛОВНА

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ХРОМАТОГРАФИИ
ЭЛЕКТРОЛИТНЫХ СИСТЕМ**

02.00.04- Физическая химия

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2018

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2018.1.PhD/K93

Диссертация выполнена в Самаркандском государственном университете.
Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Ученого совета по адресу www.samdu.uz и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мухамадиев Нурали Курбоналиевич,
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Холиков Абдували Жонизокович
доктор химических наук

Сидиков Абдужалол Сидикович
доктор химических наук, профессор

Ведущая организация:

Национальный университет Узбекистана

Защита диссертации состоится «___» _____ 2018 года в ___ часов на заседании Научного совета PhD.28.02.2018.K.02.05 при Самаркандском государственном университете (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, физико-химический корпус, 3 этаж, 305 комната. Тел.: (99866)239-11-40; Факс: (99866)239-11-40. E-mail: devonxona@samdu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета за № ____. С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (адрес: 140104, г. Самарканд, Бульвар “Университет”, 15, ИРЦ. Тел.: (99866)239-11-51. E-mail: m_nasrullaeva@mail.ru

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2018 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2018 г)

А.М.Насимов

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней, д.т.н.,
профессор

Х.Т.Тробов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней, к.х.н.,
доцент

М.Д.Давронов

Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
учёных степеней,
д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации.

Хроматографические методы разделения и анализа находят все более частое применение в различных областях науки и техники, более расширенными являются возможности их использования. В настоящее время качество фармацевтической продукции проверяется в основном методом высокоэффективной жидкостной хроматографии. Велика роль газовой хроматографии при анализе летучих соединений. Ввиду того, что хроматографические методы осуществляются в потоке, эти методы легко автоматизируются, тем самым обладают существенными преимуществами при анализе производственных процессов по сравнению с другим методами. Несмотря на то, что ионная хроматография является относительно новой среди всех хроматографических методов, она играет важную роль в анализе электролитов.

На сегодняшний день одними из важных задач, поставленных перед учёными всего мира, является более широкое использование ионной хроматографии, разработка методологических основ, в частности, создание относительно точных моделей разделения и разработка достоверных способов оптимизации. Проводимые в этой сфере исследования, посвященные моделированию, оптимизации, методам качественного и количественного анализа сложных смесей развиваются бурными темпами.

В республике достигнуты значительные успехи в разработке методов хроматографического анализа различных электролитных систем, что значительно расширяет области их применения. В стратегиях действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан намечены задачи, которые направлены на «дальнейшую модернизацию и диверсификацию промышленности путем перевода ее на качественно новый уровень, на опережающее развитие высокотехнологичных обрабатывающих отраслей, прежде всего на производство готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на базе глубокой переработки местных сырьевых ресурсов». В этом плане проведение научно-исследовательских работ по созданию моделей на основе размера энергии взаимодействия и заряда составляющих «ионит-ионат-элюент» и разработке эффективных способов оптимизации на их основе считается значимым и востребованным.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению решений, возложенных Указом Президента Республики Узбекистан УП-49-47 от 7 января 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»¹, Постановлениями Президента Республики Узбекистан от 23 августа 2017 г. N ПП-3236 «О программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы», от 17 января 2018 г. N ПП-3479 «О мерах по стабильному обеспечению отраслей

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

экономики страны востребованными видами продукции и сырья”, а также указанных в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики VII. “Химическая технология и нанотехнология”.

